

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛАТОВ ОЛИМ ДАВЛАТОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА
ҲАДИСЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences+**

Давлатов Олим Давлатович

Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий
талқини

3

Давлатов Олим Давлатович

Художественная интерпретация аятов Корана и хадисов в поэзии
Алишера Навои.....

21

Davlatov Olim Davlatovich

The artistic interpretation of Quran ayaths and hadiths in Alisher Navaiy's
poetry

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications

45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВЛАТОВ ОЛИМ ДАВЛАТОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА
ҲАДИСЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.PhD/Fil 115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қудратуллаев Ҳасан Самадович**
филология фанлари доктори, профессор

Очилов Эргаш Зокирович
филология фанлари номзоди

Етакчи илмий муассаса: **Алишер Навоий номидаги Тошкент**
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент Ислом университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Д.И.Салоҳий
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.

Ж.Д.Элтазаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Ж.Ҳамроев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабиётларнинг диний руҳониятга жуда кучли эҳтиёж сезиши ва ундан озикланиши хусусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, мусулмон мамлакатларида адабиётнинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан олган таъсири, кўплаб диний мавзуларнинг сўз санъати орқали ифодаланишини илмий ўрганиш энг долзарб масалалардан бири саналади, чунки мусулмон цивилизациясининг тамал тошларидан бири ислом динининг моҳиятида акс этган инсонпарварлик ғоялари ҳамда маънавий-маърифий ва адабий мотивлардир.

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда жамиятнинг диний-руҳий асослари ва халқимизнинг кўп асрлик маънавий-ахлоқий меросини ўзида мужассам этган ислом маданиятини атрофлича ўрганиш ҳамда маданий-тарихий тикланиш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг тарихий-тамаддуний илдизларини, унинг тараққиётига замин ҳозирлаган диний-ғоявий, маънавий-маърифий сарчашмаларни чуқур ўрганиш ҳамда дунёга танитиш бўйича теран тадқиқотлар юзага келди. “Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз... Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асли инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”¹. Шу жиҳатдан ҳам ислом дини ва миллий адабиётнинг ўзаро таъсири мезонларини, жумладан, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқинини Алишер Навоий шеъриятини матний-қиёсий таҳлил қилиш орқали амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослиги ва навоийшуносликнинг пешқадам илмий-назарий ёндашувлари асосида Алишер Навоийнинг лирик мероси ва дostonларидаги Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг намуналарини аниқлаш, ушбу оят ва ҳадисларнинг матни ва мазмунини асарда тегишли бадиий мақсадларга кўра қўллаш масалаларини тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди. Диний бағрикенглик ва динлараро мулоқотни таъминлашда, шунингдек Шарқ ва Ғарб оламининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган муқаддас манбаларнинг инсонпарварлик моҳиятини очиқ беришда Навоий каби мутафаккир зотларнинг илғор ғояларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тушунчаларидан бўлган комил инсон ғоясининг диний-тарихий негизларини аниқлаш жараёнида юксак гуманистик ғоялар билан йўғрилган Алишер Навоий шеъриятидаги оят ҳамда ҳадисларнинг бадиий талқинини илмий ўрганиш заруратга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-рақамли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 14

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь.

февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Исломий манбалар ва бадиий адабиётнинг ўзаро муносабатлари ҳақида жаҳон исломшунослиги ва адабиётшунослигида бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, Р.Никольсон, С. Эрнст, Т.Хусайн, С.Нафисий, А.Мец, И.Ю.Крачковский, Б.Фурўзонфар, Е.Э.Бертельс, Ж.Нурбахш, А.Куделин сингари олимларнинг асарларида ушбу мавзуга дахлдор назарий муаммолар, умумлашма ва хулосалар ўз ифодасини топгани ¹. XX аср ўзбек адабиётшуносларидан М.Шайхзода, В.Зоҳидов, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов тадқиқотларида асосий эътибор Навоий ва сохта диндорлар масаласига қаратилган эди ². Мустақиллик йилларида А.Рустамий, Н.Комилов, Р.Воҳидов, С.Ғаниева, М.Имомназаров, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққул, С.Олим, Ш.Сирожиддинов каби адабиётшунослар томонидан Навоий ижодининг янги таҳлил ва талқинлари дунё юзини кўрди³. Мазкур олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқот ва мақолаларда Навоий ижодиётини тасаввуф ва ирфон назарияси бўйича таҳлил қилиш, диний тасаввуфий ғояларнинг Навоий ижодида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш жараёнида Қуръон ва ҳадиснинг таъсири ҳамда роли ҳақида муайян хулоса ва қайдлар борлиги аҳамиятлидир. А.Ҳожиаҳмедов ва Ё.Исҳоқовнинг китобларида иқтибос санъати ҳақида мухтасар таъриф

¹ Nicholson R.A.. A Literary History of the Arabs. London, 1903; Ernst C. W. Teachings of Sufism. – London, 1999; 1980 *مرات الاسلام*. مصر: طه حسين. 1368 ; سعید نفیسی. سر چشمه تصوف در ایران. کتابفروشی فروغی. 1368 ; Мец А. Мусульманский Ренессанс. – М.: Наука, 1973; Крачковский И.Ю. Избранные труды. Т. 1–5. – М.-Л. 1956–1960; *تھران*. احاديث مثنوی. تهران. 1960; Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т.3. Наваи и Джами. – М.: Наука, 1965; Нурбахш Дж. Иисус глазами суфиев. – М.: Мистика, 2002; Куделин А. Арабская литература: поэтика, стилистика, взаимосвязи. – М.: Языки славянской культуры, 2003.

² Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1966; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: Фан, 1963; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

³ Рустамий А. Бисмиллоҳнинг маъноси. – Т.: Фан, 1999; Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005; Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Т.: TAMADDUN, 2012; Воҳидов Р. Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1994; Кароматов Х. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1997; Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000 ; Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Т., 2015; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2011; Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.

берилган бўлиб, бу санъат Навоий асарларида кенг қўлланилгани таъкидланган ⁴.

Профессор Р.Воҳидовнинг “Навоий ва илоҳиёт” монографияси, Ҳ.Кароматовнинг “Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари” докторлик диссертацияси, З.Ғаффорованинг “Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари” рисоласи ҳамда Н.Бекованинг “Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти” номли номзодлик диссертациясини ушбу муаммонинг ечими йўлидаги дастлабки қадамлар деб ҳисоблаш мумкин⁵. Р.Воҳидов монографияси истиқлолнинг дастлабки йилларида яратилгани, исломий манбалар ўзбек тилига етарли даражада таржима қилинмаганлиги сабабли муаллифнинг умумлашма ва хулосаларида асослар етарли эмас. З.Ғаффорова рисоласи анча мухтасарлиги ҳамда тавсифий мазмунга эга эканлиги билан характерланади. Н.Бекова диссертациясида эса “Хазойин ул-маоний” девонидаги ҳамд ғазаллар ғоявий-бадий жиҳатдан таҳлил қилинган. Аммо бу ишда ҳам Навоий ўз ғазалларида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг матни ва мазмунидан қайси поэтик усул ва воситалардан фойдаланганлиги кўрсатилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуидаги илмий ишлар доирасида ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008-2011 йй.) мавзуидаги фундаментал лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоий шеърлятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг тутган ўрни ҳамда исломий ғояларнинг Навоий ижтимоий-фалсафий дунёқарашидаги даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алишер Навоий шеърлятида айнан келтирилган оят ва ҳадис матнларининг манбаларини аниқлаш, мазкур байтларнинг ғоявий-бадий моҳиятини очиб бериш, асл матнни туркий мисраларда сингдириш усуллари белгилаш;

шоир ижодида бадий санъатлар ёрдамида Қуръон оятлари ва ҳадислар маъноси сингдирилган байт ва мисраларни таҳлил қилиш, улардаги маъно қатламларини очиб бериш, бу шеърлар учун Қуръон ва ҳадис қай даражада асос бўла олганини аниқлаш;

Алишер Навоий дostonларидаги дидактик-ахлоқий ҳикояларни яратиш жараёнида илоҳий оят ва набавий ҳикматларнинг роли ҳамда

⁴ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.60; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston НМИУ, 2014. – Б. 57.

⁵ Воҳидов Р. Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1994; Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1999; Ғаффорова Н. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001; Бекова Н. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти. Филол.фан.номз. дисс. ... – Т., 2003.

аҳамиятини белгилаш, бирламчи манба вазифасини бажарадиган оят ва ҳадисларни аниқлаш, уларнинг ҳикоятлар мазмун-моҳиятига қай даражада мувофиқ тушганини ёритиб бериш;

Алишер Навоий шеъриятидаги Қуръони каримда зикр этилган қиссалар қаҳрамонлари – пайғамбарлар, ҳакимлар, валий зотлар ҳамда залолатга юз бурган кимсаларнинг тасвирини тадқиқ этиш;

ҳадислар асосида яратилган, аммо “Арбаъин”га киритилмаган китъаларни матний-қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ҳадислар мазмун-моҳиятини очиб беришдаги роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

Алишер Навоий шеъриятида комил инсоннинг олий намунаси бўлган пайғамбар (с.а.в.)нинг сиймосини оят ва ҳадислар ёрдамида таҳлил ва тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот учун Алишер Навоийнинг 10 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”дан ўрин олган “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр” каби шеърӣ асарлари асосий манба сифатида олинди. Шунингдек, шоирнинг насрий асарларида ҳам шеърӣ парчалар мавжудлигини ҳисобга олиб ҳамда Навоийнинг диний-тасаввуфӣ қарашлари ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида Навоийнинг бошқа насрий ва шеърӣ асарларига ҳам мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предмети Алишер Навоий шеъриятида айнан ёки мазмунан қўлланилган Қуръон ва ҳадис матнлари, диний матнларда ифода этилган ғояларнинг адабий талқини, диний матн ва бадиий адабиётнинг ўзаро муносабатлари тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ижодий меросида исломий ғояларнинг ўрни ҳамда шоирнинг шеърӣ ва насрий асарларида оят ва ҳадисларнинг бадиий талқини асослари ишлаб чиқилган;

оят ва ҳадисларни бадиий матнда қўллашга доир *иқтибос* ва *ақд* санъатлари ҳақида илмий тушунчалар берилиб, шоир ижодидан ўрин олган инсонпарварлик ғояларининг оят ва ҳадислар мазмун-моҳиятига уйғунлиги аниқ мисоллар асосида исботлаб берилган;

мумтоз араб поэтикаси манбалари асосида *ишора* санъатига доир асосий тушунча ва қоидалар шакллантирилган, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг мазмунини шеърда ифодалашда ушбу поэтик воситанинг ўрни ва аҳамиятини талқин қилиш асослари ҳамда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Навоий асарларида яратилган сиймоси тегишли оят ва ҳадислар ёрдамида далилланган;

бугунги глобаллашув даврида Алишер Навоий ижодидаги инсонпарварлик ғояларининг ёшларни диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш учун кучли маънавий восита эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ҳамда ҳадиснинг ўрни ҳақида илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

тадқиқот натижалари асосида Алишер Навоийнинг тўрт жилдлик “Ҳазойин ул-маоний” девони ҳамда 10 жилдлик “Тўла асрлар тўплами”нинг дастлабки тўрт жилди луғат, изоҳ ва кўрсаткичлар билан таъминланган;

Алишер Навоийнинг дунёқараши ва маънавий оламининг шаклланишида диний манбалар таъсири масаласи нашр этилган 2 жилдлик “Алишер Навоий: қомусий луғат”даги энциклопедик мақолаларда асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, адабиётшуносликнинг энг сўнгги илмий ютуқлари асосида матний-қиёсий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари Алишер Навоийнинг диний-тасаввуфий характердаги асарларини тўғри таҳлил ва талқин қилишга илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотнинг айрим илмий хулосалари жамоатчиликка ирфон ва фалсафанинг шу пайтгача эътибор доирасидан четда қолган жиҳатлари билан яқинроқ танишиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосаларнинг Алишер Навоий шеъриятини янада чуқурроқ ўрганишга, унинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беришга, шунингдек адабиётшунослик, мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуфшунослик, диншунослик, маънавият асослари каби фанлардан дарслик ва қўлланмалар тузишга манба сифатида хизмат қилишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоийнинг шеърий меросида исломий ғояларнинг ўрни ҳамда шоир ижодида илоҳий оят ва набавий ҳикматларнинг бадиий талқинини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Навоий ижодий меросида исломий ғояларнинг ўрни ҳамда шоирнинг шеърий ва насрий асарларида оят ва ҳадисларнинг бадиий талқини ҳақидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг илмий-маърифий ва диний-маърифий фаолиятида ҳамда “Ислом Энциклопедияси” учун диний-ирфоний мавзудаги мақолаларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 24 октябрдаги 1660-сон, 2017 йил 14 октябрдаги 1553-сон маълумотномаси). Натижада нашр этилувчи диний-маърифий адабиётлар ҳамда бошқа нашрларда исломий ғоялар, оят ва ҳадисларнинг бадиий адабиётдаги талқинидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган, бу хусусдаги энциклопедик мақолалар ва маълумотлар миқдори ҳамда сифати ошган;

Алишер Навоий ижодидаги инсонпарварлик ғояларининг ёшларни диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаши хусусидаги ғоя ва тушунчалар Ўзбекистон Мусулмонлар идораси Тошкент шаҳар вакилликнинг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда тайёрланган телекўрсатув ва радиоэшиттириш сценарийларига

киритилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 20 октябрдаги 446-сон маълумотномаси). Натижада диний-маърифий мавзулардаги телекўрсатув ва раидоэшиттиришларнинг сифати ошган, уларни томоша қилувчи ва тингловчиларнинг аудиторияси кенгайган, бадиий матнда қўлланилувчи оят ва ҳадисларнинг гуманистик моҳиятини англаш кучайган;

Алишер Навоий шеърлятидаги оят ва ҳадис матнларининг манбаларини аниқлаш, мазкур байтларнинг ғоявий-бадиий моҳиятини очиб бериш, асл матнни туркий мисраларда сингдириш усулларини белгилаш орқали “Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги Самарқанд давлат университетидега бажарилган ОТ-Ғ8-027-рақамли фундаментал лойиҳада татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 11 октябрдаги - ФТА-02-11/843 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Алишер Навоий шеърлятидаги оят ва ҳадис матнларининг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамиятини англаш ва баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши Самарқанд давлат университети мумтоз адабиёт тарихи кафедрасида муҳокама қилиниб, тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг 4 жилдлик “Ҳазойин ул-маоний” девони, 2 жилддан иборат “Алишер Навоий: қомусий луғат” (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 159 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Алишер Навоий шеърлятида диний матнларнинг қўлланилиш усуллари**” дея номланади. Боб уч фаслга

ажратилиб, унинг биринчи фаслида “Навоий шеърятда айнан келтирилган оят ва ҳадислар” ҳақида сўз боради. Мумтоз адабиётшунослигимизда шеърда Қуръон ва ҳадисдан фойдаланиш мустақил бадий санъат – иқтибос санъати номи билан қайд қилинади. Замонавий адабиётшуносликда иқтибосга “Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати” деб таъриф бериш ҳамда ҳадисларга бағишлаб ёзилган “Арбаъин”ларга ҳам иқтибос санъатининг намунаси сифатида қараш мавжуд⁶. Диссертацияда ушбу фикрларга муносабат билдирилган.

Иқтибос алоҳида санъат сифатида илк маротаба Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ”и ва Ҳусайн Войиз Кошифийнинг “Бадойиъ ул-афкор фи санойиъ ил-ашъор”ида маълумот берилган. Жумладан, Кошифий иқтибосга шундай таъриф беради: “Иқтибос луғатда оловни қамраб олмоқдур ва истилоҳда улдурким, шоир калом таркиби ҳамда сўз тартибида Қуръондан бирон оят ё пайғамбар ҳадисларидан бирон ҳадис ёхуд фикхий масалалардан бирон масалани табаррук этиш йўлида келтирилуру... Ва бу санъатни шу жиҳатдан иқтибос дерларким, оловни қамраб олганда нур ва ёруғлик ҳосил бўлганидек, иқтибос бўладиган сўздан (яъни Қуръон ояти ё ҳадисдан – Д.О.) шеърда нур ва зиё ҳосил бўлуру”⁷.

Иқтибос адабий манбаларда алоҳида санъат сифатида гарчи XV асрда қайд қилинган бўлса-да, аслида шоирлар томонидан бир неча аср олдин қўлланиб келинган. Мусулмон Шарқдаги деярли барча девонларда Қуръон ояти ё ҳадис матни айнан келтирилган байт ёки мисра учратилиши табиий ҳолатга айланган. Оят ё ҳадис матнини шеърда келтиришдан мақсад муламмаъ ёзишдан мутлақо фарқ қилади. Агар муламмаъда арабча байтлар ёзишдан мақсад шоирлик қудрати ҳамда маҳаллий тилнинг ҳам фасоҳат бобида араб тилидан қолишмаслигини кўрсатиш бўлса, оят ё ҳадис иқтибосидан мақсад Аллоҳ ва унинг пайғамбари (с.а.в.) сўзига тенг қалам тебратиш эмас, балки Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек, қудсий каломни келтириш орқали “шеърга нур ва зиё бағишламоқ”дир.

“Айнан келтирилган оят ва ҳадислар” деб, шеърда араб тилидан олинган оят ва ҳадисларни тушуниш лозим, чунки Навоий шеърнинг ички талабларига мувофиқ кўпгина оят ва ҳадисларни қисман келтиради. Шу сабабдан оят ва ҳадислар матнининг шеърга “айнан ўтиши” муайян даражада нисбий маъно касб этади. Диссертацияда айнан қўлланилган оят ва ҳадислар мазмун ва мундарижаси ҳамда контекст мазмуни билан алоқадорлигига қараб қуйидагича таснифланган: Аллоҳ ҳамди ва пайғамбар наътига бағишланган оятлар; оламу одам яратилиши ва инсоннинг Борликдаги мақоми ҳақидаги оят ва ҳадислар; саҳобалар ва олимлар васфидаги оят ва ҳадислар; реал, тарихий шахсларга бағишлаб ёзилган шеърлардаги оят ва ҳадислар; ахлоқий-дидактик, фалсафий-ижтимоий, ишқий-ирфоний мавзулардаги ҳадис ва оятлар.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз кофия. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б.60-61.

⁷ حسين واعظ كاشفي؛ بدائع الافكار في صنائع الاشعار، موسكو، ١٩٧٧، ص ١١٠

Ҳамд, муножот ва наът мавзусидаги оятлар, асосан, дostonларнинг муқаддимавий бобларида қўлланилиши билан бирга, уларни рубоий ва қитъаларда ҳам учратиш мумкин. Шу сабабдан, бундай оят ва ҳадисларни Навоий шеъриятида энг кўп қўлланилган оят ва ҳадислар, деб ҳисоблаш тўғри бўларди. Саҳобалар ҳақидаги оят ва ҳадислар Навоий ижодиётида жуда кам учрайди. Фақат “Лисон ут-тайр” муқаддимасида тўрт рошид халифа васфида алоҳида боблар ажратилган. Бу бобларнинг илк сатрлари “Мантиқ ут-тайр”нинг қарийб сўзма-сўз таржимаси сифатида намоён бўлади. Жумладан, Абубакр Сиддиқ ҳақидаги бобнинг биринчи байтида оят иқтибос қилишда ҳам Навоий Атторга издошлик қилади:

Аттор: Хожайи аввал, ки аввал ёр ўст,
Соний иснайн из хумо фил-ғор ўст (406 байт).

Навоий: Ул ки султони русулга ёрдур,
Соний иснайн из хумо фил-ғордур.

Агар тасаввуфий-ирфоний оҳангда ёзилган ғазал ва бошқа лирик жанрларда оят ё ҳадис матни учраб қолса, таҳлил ва талқин қилишда асл манба – Қуръон ва ҳадисдан ташқари, тасаввуф таълимоти ҳамда сўфиёна оҳангда битилган тафсир ва шарҳларга ҳам таянмоқ керак. Диссертацияда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алийя” тафсиридан фойдаланган ҳолда “Фавойид ул-кибар” девонидаги 121-ғазал таҳлили жараёнида ушбу фикр асослаб берилган.

Алишер Навоий насрий асарларига ҳам назм дурдоналари билан зеб берган ва табиийки, бу дурдоналарнинг маълум бир қисми Қуръон ва ҳадис уммонида етилган. Хусусан, бу ҳолатни кўпроқ “Маҳбуб ул-қулуб”да мушоҳада қилиш мумкин. Шеърларнинг мавзу, мазмун ва ғоя жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги Навоийнинг барча насрий асарлари учун умумий бўлган хусусиятлардандир. Шеъринг парчаларда иқтибос қилинган оят ва ҳадислар ҳам асарнинг руҳига мос равишда танланган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Шакли ўзгартирилган оят ва ҳадисларнинг Навоий шеъриятидаги ўрни” деб номланади. Навоийнинг ғазал ва дostonларида шундай байт ва мисралар ҳам учрайдики, оят ва ҳадис сўзлари шаклан ўзгартирилган, аммо буни китобат вақтида йўл қўйилган хато ёки Навоий иштибоҳи деб ҳисобламаслик керак. Бундай ҳолатларда оят ё ҳадиснинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва ўқувчига етказиш асосий мақсад қилингани боис оятнинг ташқи тузилишига камроқ эътибор қаратилади. Қуйидаги байтлар эса оятнинг композицион яхлитлигини сақламасдан ҳам ундаги маънони ўқувчи зеҳнида акс эттириш мумкинлигига далилдир:

Эй етти манзар тарҳиға меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале маслуб сониъдин фано.
Чекмай фалак лутфунг туни жуз зикр ила тасбиҳ уни,
Одам дебон қаҳринг куни ҳар дам *заламно раббано*⁸.

⁸ Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж. 4. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.6.

“Заламно раббано” сўзлари “Аъроф” сурасининг 23-оятидан олинган бўлиб, у “Қоло раббано заламно анфусано” деб бошланади. Ушбу оят, М.Абдулхайров шарҳлаганидек⁹, Одамнинг яралишига боғлиқ бўлган воқеаларнинг баёни эмас, балки Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан ҳайдалгандан кейин Тангрига қилган тавбасининг мазмунидир: *Иккиси айтдилар: “Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”*¹⁰. Навоий шеър вазни талабига мувофиқ “раббано” ва “заламно” сўзларининг ўрнини алмаштиради, аммо бу усул оятнинг маъносини ўзгартириб, ўқувчи фикрини чалғитмайди. Оят ва ҳадис сўзларини жузъий ўзгаришлар билан шеърда келтириш усулини Атоуллоҳ Ҳусайний иқтибос санъатининг бир тури деб ҳисоблайди¹¹, аммо Кошифий буни алоҳида санъат – *ақд* деб атайди. Атоуллоҳ Ҳусайний фикри бўйича, ақд (ар.– тугун боғламоқ, жавоҳирларни ипга тизиш) насрий матнни шеърга солишдир. Ҳусайн Воиз Кошифий иқтибос ва ақд ўртасидаги тафовут ҳақида шундай ёзади: “Иқтибос – Қуръон (оятлари) ва ҳадисни айнан келтиришдир ва ақдда сўз ўзгартирилади”¹².

Шеърнинг вазн ва қофиясига мувофиқлаштириш учун Қуръон оятлари ва ҳадисларга ўзгартириш киритиш йўлида сўзларнинг ўрнини алмаштиришдан ташқари, арабча сўз бирикмаларини форсий изофа талаби билан боғлаш, шунингдек, оят ё ҳадисдан аниқ бир фикр акс этган қисмини олиб, *инна, анна, ва, лақад, фа...* каби боғловчи ва кўмакчи сўзларни ихтисор қилиш усулидан ҳам кенг фойдаланилган.

Айрим оят ва ҳадисларда наср ва назм учун умумий бўлган санъат ва баён воситаларидан ташқари вазндорлик ҳам учраб туради, яъни улар вазннинг маълум бир қолипига мос тушишлари мумкин. Ана шундай мавзун оят ва ҳадислар Навоий шеърятига ҳам зеб берган. Оят ва ҳадислардан келтирилган иқтибос кўпинча мисранинг бир-икки рукнини, гоҳида эса бутун мисрани ташкил этади. Масалан:

Улдамки, йўқ эрди буду нобуд,
Маълум эди эмди ҳар не мавжуд,
Ҳар қавмға солмамиш эди пай,
*Коналлаҳу лам яқун мааҳ шай.*¹³

Тўртинчи мисра олам яратилиши ҳақидаги ҳадисдан олинган бўлиб, Навоийнинг насрий асарларида ҳам учрайди: *Коналлоҳу ва лам яқун маъаҳу шайъан*¹⁴. Мазкур ҳадис араб тилининг ички имкониятларидан фойдаланилиб,

⁹ Абдулхайров М. Сўз махзани // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007 йил, 24 август. – № 34.

¹⁰ Қуръони карим маъноларининг таржимаси // Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.153.

¹¹ Атоулло Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Душ.: Адиб, 1985. – С.108.

¹² حسين واعظ كاشفي، بدايع الافكار في صنایع الاشعار، موسكو، ۱۹۷۷، ص ۱۱۰

¹³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж.7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.9.

¹⁴ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж.9: Вақфия. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.237.

тахфиф усули билан дoston вазнига мувофиқлаштирилган ва бу ҳам ақд санъатининг бир намунасидир.

“Басмала боби – исломий ғояларнинг шоирона талқини” номли учинчи фаслда “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги басмала боби Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийнинг шу йўналишдаги дostonлари билан қиёсий равишда ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида “Ҳайрат ул-аброр” дostonининг биринчи боби А.Рустамий, Ҳ.Кароматов, М.Имомназаров ва М.Муҳиддинов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган¹⁵. Мазкур тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, Навоийнинг издошлик ва ижодкорлик маҳоратини ёритиб бериш мақсадида “Ҳайрат ул-аброр”нинг дастлабки – “басмала боби” “Махзан ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор” ҳамда “Тухфат ул-аҳрор” дostonларининг илк боблари билан қиёслаб ўрганилди. Бунда Навоийгача ёзилган “Хамса”ларнинг басмала боблари учун Қуръон ва ҳадис қай даражада манба-асос вазифасини ўтаганига асосий эътибор қаратилди. Диссертацияда ушбу бобларни қиёслаш натижасида Навоий дostonидаги “басмала боби”нинг яратилишида Низомий ва Амир Хусрав дostonларидан кўра “Тухфат ул-аҳрор” кўпроқ манба-асос бўлиб хизмат қилганлиги таъкидланади. Ушбу бобда Навоий тўғри йўлга ҳидоят топганларни “аҳли қабул”, гумроҳлик ва залолатга учраганларни “аҳли рад” деб атар экан, китобат санъати воситасида “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” жумласидаги ҳар бир ҳарфга алоҳида маъно юклайди. Бобнинг биринчи қисмидаги “Бисмиллоҳ”нинг тавсифи “аҳли рад” учун Аллоҳнинг жамолий сифатларидан хабар берса, иккинчи қисмидаги “аҳли қабул” жалолий сифатларнинг баракотидан баҳраманд бўлиши ҳақида сўз юритилади:

Ҳикмати ул қаҳр аро, бу лутф аро,
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро.
То агар ўт солса жалолияти,
Лутф ила урғай сув жамолияти ¹⁶.

Навоийнинг бундай услубни қўллаши, яъни биринчи жалолий, кейин жамолий сифатлардан сўз юритиши Қуръоннинг бир қанча сура ва оятларидаги сўз услубини эслатади. Қуръонда биринчи мушрикларга бериладиган жазо, сўнгра солиҳ бандаларга ваъда қилинган мукофотлар ҳақида хабар берувчи оят ва сураларни кўп учратиш мумкин. Диссертацияда ушбу фикр “Вал-ъаср” сурасидан олинган оятлар мисолида далилланган.

Ишнинг иккинчи боби **“Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърда сингдириш усуллари”** деб номланиб, тўрт фаслни ўз ичига олади. Бобнинг “Талмиҳ санъати ва қуръоний образлар” деб аталган биринчи фаслида Навоий давригача бўлган манбаларда талмиҳ санъати ҳақида

¹⁵ А.Рустамий. Бисмиллоҳнинг маъноси. – Т.: Фан, 1999; Ҳ.Кароматов. Ўзбек адабиётида қуръоний мавзулар. Фил.фан.док. дисс. ... – Т., 1999; М.Имомназаров. Навоийшуносликка кириш. – Т., 2015; М.Муҳиддинов. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.

¹⁶ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж. 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.9.

берилган таърифлар қиёсий равишда ўрганилиб, умумлашма назарий хулосалар чиқарилган. Унда айтилишича, талмиҳ очик, яширин, содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Бундай тасниф талмиҳнинг маъно ва тузилишига караб амалга оширилади. Очик ва содда талмиҳларда бирор адабий, тарихий, диний ёки мифологик асардаги шахсга назар ташланади. Навоий шеъриятини кўздан кечирганимизда, талмиҳнинг бу тури нисбатан кенг ва кўп қўлланилганига гувоҳ бўламиз. “Хазойин ул-маоний”да талмиҳ сифатида келтирилган образларнинг нисбати қуйидагича:

Т/р	Девонлар номи	Қуръонда зикр этилган шахслар	“Шохнома” қахрамонлари	Тарихий шахслар
1	“Ғаройиб ус-сиғар”	26	7	11
2	“Наводир уш-шабоб”	27	9	15
3	“Бадоеъ ул-васат”	19	9	9
4	“Фавойид ул-кибар”	15	11	36

Кўриниб турибдики, талмиҳ қилинган образларнинг кўпи Қуръон ва ҳадисда зикр этилган шахслардир. Фақат “Фавойид ул-кибар” девонида тарихий шахслар Қуръони каримдагига нисбатан кўпроқ зикр этилган. Аммо уларнинг 36 нафаридан 30 нафари “Соқийнома”да зикр этилган Навоий замондошлари эканлиги ҳисобга олинса, бу девонда ҳам диний қиссалар асосида яратилган образлар анча салмоқли эканлигига гувоҳ бўламиз. Мазкур фаслда Навоий асарларида энг кўп учрайдиган Исо, Хизр ва Юсуф образлари Қуръон ва ҳадислар асосида таҳлил ва талқин қилинди. Навоий учун пайғамбарлар – энг аввало, маънавий баркамоллик, илоҳий руҳониятдан файз топган зотлар. Инсон номини шарафлаган бу буюк шахсларнинг ҳаёти, фаолияти, сўзлари барча учун ибрат намунаси дир. Шунинг учун, Шарқ шеърияти, жумладан, Навоий ижодиётининг ажралмас қисми сифатида шаклланган пайғамбарлар образини таҳлил ва талқин этиш, шубҳасиз, бу ноёб хазинанинг маънавий дурдоналаридан янада кўпроқ баҳраманд бўлишга ёрдам беради.

“Навоий шеъриятида оят ва ҳадисларнинг шоирона таржима ва талқини” деб номланган иккинчи фаслда Навоийнинг оят ва ҳадисларни таржима қилиш маҳорати қитъалар ва байтлар мисолида ўрганиб чиқилган. Навоийнинг ҳадислар таржимасига асосланган қитъаларининг “Арбаъин”даги қитъалардан фарқланувчи жиҳати шундаки, бу қитъаларда ҳадис мазмунини ёритиб беришдан ташқари, шоирнинг кечинмалари, ҳадисдан чиқарган хулосалари, сўфиёна талқинлари ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, Навоий фақат “Арбаъин”лар доирасида эмас, балки мустақил байт ва мисралар, алоҳида қитъалар орқали ҳам ҳадис маъноларини таржима қилиш мумкинлигини амалда кўрсатиб, анъана замирида новаторлик қилганлиги исботлаб берилган. Диссертацияда “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 33-, 42-қитъалар, “Бадоеъ ул-васат”даги 4-қитъа мисолида ушбу фикрлар далиллаб берилади.

Учинчи фасл “Сўфиёна ҳикоятларда оят ва ҳадислар” деб номланиб, унда тасаввуфий мазмун-матлабларни ифода этадиган ҳикоятларнинг

мазмун-мундарижаси ҳамда оят ва ҳадисларнинг ўзаро алоқадорлиги текширилади. Маълумки, “Садди Искандарий” достонида адолат таърифидаги бобдан кейин “Маҳмуди ғозий” ҳақидаги ҳикоят келтирилади. Унда Султон Маҳмуднинг шоҳлик даврида қилган биргина адолати туфайли жаннатга тушгани ва бу ҳол унинг ўғлига тушида аён бўлгани ҳақида сўз боради. Ҳикоятнинг иккинчи байтида қуръоний оятдан иқтибос келтирилади:

Эшиттимки, Маҳмуди ғозийға даҳр

Чу жоми ҳаёт ичра ҳал қилди захр.

Қилиб “*иржиъи*” нағмасин истимоъ

Ружу этти оламга айлаб видоъ.

“*Иржиъи*” сўзи “Фажр” сурасининг 28-оятидан иқтибос қилинган. Сурадаги 27–30-оятлар яхлит, ягона маънони ифодалайди ва уларнинг маъно-моҳияти Маҳмуд ҳикоятига мос тушади. Шоир оятни ҳикоят мазмунига мувофиқ аввал келтириб, ўқувчини уни ўқишга руҳан ҳозирлайди. Бирок дoston сатрларини беаган бу илоҳий каломнинг матндаги бадий-ғоявий вазифаси шу билангина чекланиб қолмайди. Муаллиф бу иқтибос воситасида эзгу амал, эзгу фикрат ва эзгу каломни ҳаёт шиори қилиб олган бандаларни охиратда ҳадсиз-ҳисобсиз мукофотлар кутаётганини, зарра мисқолчалик яхшилик қилган кишига охиратда бир неча баравар кўпроқ мукофот берилишига эътибор қаратади. Султон Маҳмуднинг кампир кулбасини қайта тиклагани учун жаннат боғи, иккита шоҳ эвазига тубо дарахти, синган сопол идиш бадалига зумуррад ҳовуз мукофот олганини батафсил тасвирлаш ҳам тасодифий эмас. Бу манзара Қуръонда қайта-қайта таъкидланган “*ҳеч бир амал жавобсиз қолмас ва ҳар бир яхшилик у дунёда мукофотланур*” оятини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Ушбу ҳикоятнинг архитектуроникасида асосан, иқтибос келтирилган оятларнинг роли аниқланган бўлса, диссертацияда батафсил таҳлил қилинган “Лисон ут-тайр”даги Мажнун ал-Ҳақ ҳақидаги ҳикоят сюжети ҳадис мазмуни асосига қурилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Навоий учун ҳадиснинг саҳиҳ ё заифлигини аниқлашдан кўра, унда акс этган ғояни халққа етказиш муҳимроқ ҳисобланган. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида турли усуллар қўлланилган: гоҳида мавжуд бўлган бадий образларга рамзий жило берилса, гоҳида муайян бир оят ё ҳадис мазмунига монанд бирор ҳикоят келтирилган.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли “Қуръон оятлари ва ҳадислар талқинида ишора санъатининг ўрни” деб номланган бўлиб, унда ўзбек шеършунослигида илк маротаба *ишора* санъати ҳақида маълумот берилган. Бадий адабиётда ишора (араб. – бирор нарсани қўл билан кўрсатиш) мўъжаз ва ихчам сўзларга кенг қўламли маъноларни сингдириш ва бу маъноларни тафаккур қилиш ҳамда англаш учун уларга нозик белги бериш вазифасини бажарган. Араб адабиётшуноси ал-Аскарӣ (XI аср) бу санъатни шарҳлар экан, ушбу санъат Қуръон оятлари негизида шаклланганлигини таъкидлаб, оятлардан мисоллар келтиради. Мазкур санъат турида қисқа сўзлар билан катта маъноларни ифода эта олиш имконияти борлиги учун ҳам Навоий бу санъат турини ҳам ривожлантириб, фалсафий-дунёвий ва диний-ирфоний маъноларни ифода этишда кенг қўллаган. Масалан:

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул каби бедор субҳ¹⁷.

Мазкур байтдаги боғ, *барг, наво, гул, булбул, субҳ* сўзлари лирик асарларда кенг қўлланилади. Фақат *рокиъ* сўзи бадий адабиётда кам учрагани, аслида диний адабиётга мансублиги боис, биринчи карашда юқоридаги сўзлар силсиласига мутаносиб кўринмайди¹⁸. Ва ана шу “номутаносиблик” ўқувчини байтда яширинган маънони излаб топишга ундайдиган ишорадир. Демак, “рокиъ” сўзи ушбу байтда ишора-белги вазифасини ўтайди.

